

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР**

1

ISSN 2181-7286

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР

ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ

ЖУРНАЛ

ISSN 2181-7286

2020 №1

Январь-март

Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал 2002 йилдан бошлаб
чиқа бошлаган, йилига 4 марта чоп
этилади

Таъсисчи:
И.КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Бош муҳаррир
и.ф.д., проф. А.Қодиров
Бош муҳаррир ўринбосари
доц. А.Мирзаев
Масъул котиб
доц.М.И.Саидкаримова

Жамоатчилик кенгаши:
Проф. С. М. Турабджанов (раис), проф.
О.О.Зарипов, проф. Т.М.Ахмедов, д.т.н.
Нематов Ш., проф. Н.Ф.Зикриллаев

Тахрир ҳайъати:
Проф. Х.П.Абдуқосимов, проф.
М.Л.Турсунходжаев, проф. А.А.Хошимов,
проф. Б.А.Хасанова, проф. А.И.Архипов, проф.
И.Эргашев, проф. С. Огамуродов, проф.
Н.Жўраев, проф. Р.Самаров, проф.
М.Мирқосимова, проф. Б.С.Сиддиқов, проф.
У.Махкамов, проф. М.Бекмуродов, п.ф.д.
Усаров Ж.Э., с.ф.д. проф.Пахрутдинов Ш.И.

Тахририй манзили:
100095, Тошкент — 95, Университет
кўчаси, 2. тел:246-53-16, www.tdtu.uz E-mail:
ijtimoiy-fanlar@rambler.ru

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан рўйхатга олинган,
2007 йил 22 январь, № 0205 сонли
гувоҳнома.

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК
рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика
ва психология бўлими 2019 йил 25 июндан
киритилган

Журналда маълумотлар босилганда
далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда
чоп этилган маълумот ва келтирилган
далилларнинг аниқлиги учун муаллиф
жавобгардир.

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОД	
Бегматова Ш.А. Ҳолиёрова Ш.Қ. Ўзбекистонда инновацион сиёсатни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	6
Ташмухамедова К.С. Бозор шароитларида қурилишнинг рақобатбардошлиги	10
Мухамедова С.А. Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармаси маблағларидан аҳолини кекса қатлами ижтимоий ҳимоя қилишда фойдаланиш тажрибаси	14
Махмудов М.М. Ўзбекистон минтакаларида гастронимик туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	18
Мирзаев Ш.А., Ахмедов А.К. Давлат қарзининг иқтисодий категория сифатидаги хусусиятлари	24
Қулматов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибаси ва уни жорий қилиш масалалари	30
Режапов Х.Х. Олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорлари ўртасидаги муносабатларини оптимallashtiriш йўналишлари	35
Саидова Г.А., Ишмухамедова М.Х. Инвестициянинг иқтисодий моҳияти ва турлари	40
Қалмуратов Б.С. Институционал ислохотлар шароитида Қорақалпоғистон республикасида инновацион бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш йўналишлари	46
Raimjanova M.A., Botirxo'ja A.F. Aksiyadorlik jamiyatlarida raqobatbardoshligini oshirish	50
Вохидов А.К. Иқтисодий ривожланишда инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятлари	55
Султанов А.С. Коммунал хўжалигида уй-жой фондидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари	59
Умаров О.О., Занг Ў.И. Хитойда "Фан ва таълим" соҳасининг замонавий ва илмий йўналишларини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатлари	63
Тураев З.Н., Хуррамов Р.А. Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш ва туристик-рекреацион кластерни ташкил этишда инвестицияларни жалб этиш муаммолари	67
Разакова Б.С. Инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	71
Саидкаримова М.И. Ўрта Осиёда Темирийлар даврига бугун иқтисодий фикрлаш	75
Қаҳҳоров О.С., Носиров А.Э. Илмий-инновацион фаолиятни ривожлантиришда кадрлар бошқарувининг ўрни (олий таълим муассасалари мисолида)	82
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ	
Йўлдошева М.Б. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида кейс-стади технологиясидан фойдаланишнинг самарадорлиги	88
Турсунов А.М. Кишилик жамияти ривожланиши жараёнида таълим соҳаси трансформацияси ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари	93
Каримова Н.О., Акбарова Ш.А., Қасимова Г.И. Информатика фанидан тўғарақларни олиб боришда педагог шахсининг касбий мослиги ва унинг компетенцияси	98
Салимова К.М. Тарбия жараёнида лойиҳалаштириш	102
Жуманова Ф., Эшманова Н. Педагогик маҳорат ва малакавий тажрибага эга бўлиш – ўқитувчи фаолиятининг асоси	105
Ахророва С. Жамиятда инсоннинг шахс сифатида ўз онги ва салоҳиятини ривожлантириш омиллари	108
Абдужаллилова Ш. Ёш оиланинг замонавий муаммолари	112
Шоҳоджаева М.А. Техника йўналишларида мустақил таълимни ташкил этиш методикаси	116
Турдиев Ж.П. Касб-хунар коллежларида назарий ва амалий таълимни ташкил этиш	119
Эгамова М.Х. Рус тилини ўқитишнинг коммуникатив тамойилари	123
Арипова К.А. "Чизма геометрия" фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси	126
Джурасева Л.Р. Олий таълим тизимида фалсафани ўқитиш услубияти	130
Махкамов У., Махкамова Н.У. Илм - инсон камолотининг асосий мезони	135
Усаров Ж.Э., Шарипова Н.Г. Компетенциявий ёндашув – педагогик таълим инновацион кластерининг самарадорлик омилли	138
Филимонова Л.Ю. Талабаларнинг интеллектуал меҳнат маданияти даражасини баҳолаш долзарблиги	141
Мирахмедова З. Нофилологик ўқув юртларида нутқ қобилияти ва сўз бойлигини оширишнинг баъзи усуллари	147
Рахманова Ю.Х. Ўйинлар орқали сўз бойлигини ўргатиш	153
Исмагуллаева И.И. Таҳсил олувчиларга йўналтирилган машғулотлар ноанъанавий ўқитиш услуби сифатида	158
Имамажанова В.А. Мустақил фаолиятни чет тили дарсларида ўргатиш	164
Жулєв Ш.Н. Таълимда замонавий информацион технологиялар ва уларнинг дарс беришда қўлланиши	170
Мирабидова М.А. Лугатни ўқитишда янги технологиялар	175

- 3) Асосий вазифани бажаришни муқобиллаштириш.
- 4) Шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда тарбия мазмунини белгилаш.
- 5) Тарбия жараёнининг ҳар бир босқичида самарали услуб воситаларини қўллашни лойиҳалаштириш.
- 6) Тарбия ишида юқори ташкилотчиликка эришиш, жамоани шакллантириш.
- 7) Тарбия ишида андоза бўлмаслиги, вазиятга қараб ўзгарувчанлик, мувофиқлаштириш.
- 8) Тарбияланувчининг характерини шакллантириш, ҳаёт йўлини танлашга ёрдам бериш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гегель Г.В.Ф. Наука логики: М.: Мысль, 2012.
2. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент. 1917
3. Рахимов О.Д., Тургунов О.М. ва б. Замонавий таълим технологиялари. Тошкент, «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2015й.
4. Мухиддинова Х.С., Салишева З.И., Пулатова Х.С. Ўзбек тили (Олий таълим рус гуруҳлари учун дарслик). "Ўқитувчи" Тошкент. 2012.
5. О.Д.Рахимов. Таълим сифати ва ҳаёт сифати. Ўқув қўлланма. Қарши 2015.

УДК: 74.0

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА МАЛАКАВИЙ ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛИШ – ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИ

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАВЫКИ И ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ - ОСНОВА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ

PEDAGOGICAL SKILLS AND PROFESSIONAL EXPERIENCE - THE BASIS OF THE TEACHER

Жуманова Ф., Эшманова Н. (ТВЧДПИ ўқитувчилари)

Ушбу мақолада ўқитувчи фаолиятини ташкил этиши ва бошқариши, таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштиришидаги хусусиятлари, вазифалари илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Калитли сўзлари: ўқитувчи, фаолият, ўқувчи, таълим, тарбия, ишонч, ирода, интизом, маҳорат, педагогик технология, услуб, восита, тажриба, бурч.

Эта статья основана на научных и методологических аспектах подготовки учителей, которые улучшают педагогические навыки и опыт.

Ключевые слова: педагогическое мастерство, новинка, опыт, учитель, ученик, культура, отношения, воспитание, ценность, урок, мысль, метод, активность.

This article is based on the scientific and methodological aspects of teacher training that enhance pedagogical skills and experience.

Keywords: teacher, science, enlightenment, spirituality, values, patriotism, ethics, discipline, education, process.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис палаталарига мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялашда педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришадиганянги асрда ҳамма нарсга қодир бўладиган, дунёга таниладиган, соғлом тафаккургаэга бўладиган ўқитувчи фаолиятини ташкил этишгаалоҳида эътибор қаратилган.

Ўқитувчи фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштиришда истикболли режалар ишлаб чиқиш ва унда ҳар бир тадбирнинг мазмуни, муддатлари, масъул ижрочилар ва мўлжалланаётган самарадорлик кўрстилиши кабиларнинг мунтазам равишда амалга оширилиши муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи фаолиятини ташкил қилишнинг мавжуд ҳолатини ўрганишда ўқув тарбия жараёнларини таҳлил қилиш муҳим роль ўйнайди. Ушбу жараёнда ўқитувчилар онглиравишда фаол фикр юритиш, билимни сафарбар қилиш кабилар унинг иродавий хусусиятларига боғлиқдир. Чунки, ўқитувчининг иродаси мақсадини амалга оширишда, ташаббус кўрсатишда қатъиятлик билан ўйлаб қарорлар қабул қилишда ва уларни изчил суръатда амалга ошира билишда, режага амал қилиш кабилардан иборатдир. Ушбу жараёнда ирода, ҳис-туйғу, эзгулик, эҳтиёж кабилар ўқитувчи фаолиятини бажаришда намоён бўлади.

Ўқитувчи маҳорати ўқувчиларда илм-маърифатга бўлган сифатларни ривожлантиришда матонат билан енгиб ўтиш, ундан янада кўпроқ кучли ирода ва матонатни талаб қилади. Ўз олдига муайян, узоқни кўзлаб мақсад кўйган ўқитувчи ўз фаолиятларида олқишга сазовор бўлади. Ўқитувчи фанларнинг асосини чуқур эгаллаш билан бирга ўз билимларини, миллий ва рақамли иқтисодий даражасини ошириш, жисмоний тайёргарлигини яхшилашга интилади. Ўқитувчиларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ўз Ватанини ҳимоя қилиш ишларида ўзининг интизомлилигини кўрсатади. Ўқитувчи онгли равишда ўз фаолиятида меҳнат жамоат топшириқларига масъулият билан қарайди ва ўқувчиларда ахлоқий сифатларни амалга оширишда, қўйилган мақсадга эришишда, ўз кучига ишонишда, бошқаларнинг ёрдамисиз вазифаларни ҳал этишда, мустақил фикрлай олишда, бирор ишни бажаришда маҳорат билан ёндашади. Ўқитувчи фаолиятида ўқувчи руҳига, фикрига таъсир қиладиган ҳислат, тартиб-одоб маънавий қувват сифатида уларнинг ақл ва фикрини, ҳуқларнинг манбаи бўлиб жамоада руҳий-маънавий ҳолатини яхшилаш, ўқувчиларни ҳаётга, касбга, бурчи ва вазифаларига масъулият билан қарашга йўналтиради. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини ўзи устида доимий ишлашни талаб қилади. Ана шундагина шахснинг ўзига хос ахлоқий сифатлари, фаоллиги, ижодий ёндошиши ўқувчилар ўртасидаги муносабатлари такомиллашади. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган урф-одатлари, анъаналари ўқитувчи фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитувчи иродаси ўзига хуш ёқадиган бирор нарсани қиляётганда эмас, балки бирорта оғирроқ, кутилмаган, сезиларли зўр беришни талаб қиладиган вазифани бажараётганда намоён бўлади. У бу ишни катта жамоа учун ҳамда бутун Ватанимиз учун зарурлиги ва фойдалилигига ишонганлиги учун қилади. Ўқитувчилик фаолиятида самимий муносабат, меҳнат қилиш иродаси ва касбга бўлган масъулият муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи ўз фаолиятида ижтимоий ва иқтисодий савиясини тинимсиз шакллантириб бориши, дарс бераётган синфда виждонан, сидқидилдан унумли меҳнат қилиши, жамият учун фойдали эҳтиёж ва зарур маънавий қадриятларни ривожлантириши, малака ва кўникмаларни тинимсиз ошириб бориши, педагогик маҳоратини шакллантириши, жамоа ўртасида катта ҳурматга лойиқ бўлиши,

маданият қоидаларига риоя қилиши кабиларнинг жамият тараққиётига мос бўлиши долзарб масалага айланиб бормоқда. Шу боис ўқитувчи назарий ва амалий билимларини доимо шакллантириб бориши махсус режа, дастур асосида ўқувчиларнинг тарбиялаш услублари ва услубиятларини такомиллаштириши таълим мазмуни ва курсларнинг ўзига хос услубларини, шаклларини, воситаларини амалга ошириши керак.

Ўқитувчи фаолиятида мақсадга интилиши ва ташаббус, мустақиллик, ижодийлик, дадиллик, жасоратлилик, тўсиқларни писанд қилмаслик, саботлилик, қатъийлик, принципааллик, вазминлик, эсанкирамаслик, ўзини кўлга ола билишлик, интизомлилик, ўзини-ўзи бошқариши, ўзига-ўзи буйруқ бериш, ўз кучига ишонч, ўзини сафарбар қила олишлик муҳим аҳамиятга эга. Ёшларни ўсиб келаётган ёш авлодни янги Ўзбекистонга муносиб қилиб тарбиялаш ўз навбатида мактаб, касб-хунар ўқув юртлари фаолиятини давр талаблари асосида ташкил этишни талаб қилади. Бу вазифаларни амалга ошириш, айниқса, ўқувчиларининг жамиятга бўлган муносабатини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўспиринлик даврида ўқувчилар фуқаро сифатида шаклланади. Ижтимоий муҳитда етилиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохатлар, бозор муносабатлари, мустақил давлатимизнинг янги шароитлари ўқувчиларни ҳам жамиятимиз манфаати йўлидаги юксак талабларни бажаришга чорламоқда. Ана шу талаблар таъсири остида унинг ҳаёт тажрибаси, ахлоқий маданияти шаклланиб боради. Шу сабабли ўқувчиларни жамият манфаати учун қилинадиган меҳнатга илҳомлантириш ўқитувчининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жамият манфаати учун қандай улуш қўшаётганлигини, ўзгаларга нима манфаат келтираётганини ҳис этиши, миллат истикболи, тараққиёти билан боғлиқ муаммоларга бўлган муносабатида миллий бирлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари билан ҳал этиши уларда бўлган она юртга садоқат маданият инсонларга бўлган эътиқодни ривожлантиради. Ўқувчиларнинг жамиятга бўлган муносабатини шакллантиришда таълим-тарбия ишларини ўзбек халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, республикаимизнинг ва истикболи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш натижасида уларда фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга интилиш бошқа халқлар ва миллатларнинг миллий кадр-қиммати удумлари, тарихи, адабиёти ва санъатини байналминаллик равишда ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳолда оширади. Ўқитувчи ўзининг фаолиятида малакали ва тажрибали, чуқур билимга эга давлат ва чет тилларни, замонавий педагогик технологияларни ва ўқитишнинг инновацион услубларини билиши, кластер методи асосида бошқа ташкилотлар, йирик компания ва бирлашмалар билан алоқада бўлиши ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий қилган ҳолда таълим мазмунини такомиллаштириши, миллий ва жаҳон адабиёти, мусиқа, кино, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги билимларга эга бўлиши, ўқув жараёнида таълимнинг илғор шаклларини, педагогик технологиялар ва ахборот янгиликларини жорий этиш мақсадида хорижий таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган меъёрлардан келиб чиқиб, энг янги ўқув лаборатория, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, ўқув-услубий, таълим жараёни бўйича хизмат кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан, хорижий экспертларни ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошларимизни жалб қилиши, мактаб ўқувчиларида ижодий танловлар, тест ва бошқа синовлар асосида

уларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириши, ўқувчиларнинг ижодий истеъдодини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар олиб бориши кабилар таълим-тарбия самарадорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис палаталарига мурожатномаси. REAF moreat Rltps: PeffectuzInI 3102
2. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар-таррақиёт пойдевори. Т.2018.
3. Тиялбова Н, Шодмонова Ш “Қасбий маҳорат фани бўйича таълим технологияси” Тошкент. 2016.

УДК: 316.612

ЖАМИЯТДА ИНСОННИНГ ШАХС СИФАТИДА ЎЗ ОНГИ ВА САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА И РАЗУМА КАК СУБЪЕКТА В ОБЩЕСТВЕ

FACTORS OF DEVELOPMENT OF HUMAN POTENTIAL AND MIND

Ахророва С. (ТошДТУ доценти)

Мақолада жамиятда инсон онги фаолиятнинг шаклланиш жараёнлари ва турли ҳолатлари, унинг ўз-ўзини ривожлантиришига доир айрим замонавий қарашлар таҳлил қилинган. Инсон хулқ-атворини бошқаришнинг воситалари, шахснинг тузилиши, онг ривожланиши ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш механизмлари натижалари ўрганилган.

Қалитли сўзлар: шахс, фаолият, инсон, жамият, онг, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялаш, хулқ-атворини бошқариш, шахснинг тузилиши, ўз-ўзини ривожлантириш механизмлари.

В статье анализируются современные взгляды на типовые положения формирования деятельности человека, касающиеся его саморазвития. Также изучаются выводы о средствах управления манерами и поведения личности, структура личности, развития сознания и механизмы его саморазвития.

Ключевые слова: личность, деятельность, человек, общество, сознание, саморазвитие, самовоспитание, управление манерами поведения, структура личности, механизмы саморазвития.

The article analyzes the modern views on the model positions of the formation of the people activities, concerning its self-development. Also, conclusions are drawn about the means of managing the manners of the person's vision, the structure of the individual, the development of consciousness and the mechanisms of his self-development.